



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Давлатобод тумани Ободонлаштириш

бошкармаси бошлиғи

Д.Вохисов

6 октябрь 2022 йил

Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошкармасига  
керакли махсулотлар сотиб олиш учун ташкилотни  
танлаш бўйича

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**БУЮРТМАЧИ:** Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошкармаси

Наманган-2022

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси**

<b>№</b>	<b>Махсулот номи</b>	<b>Микдори</b>
1	Швеллер h=14	22 метр
2	Профил 80x40x1,6	40 метр
3	Метал лист 2500x1250x2мм	16 квадрат
4	Прут d=10мм	20 килограмм
5	Уголник 250мм	5 метр

**1.2.** Танлов қиймати **12 540 000** (ўн икки миллион беш юз қирқ минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.

**1.5.** Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1.** Давлатобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси “(бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Давлатобод тумани Аэропорт кўчаси 1 уй

**2.2.** Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

**2.3.** Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонуний тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОҚЧИЛАРИ**

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мұлжалланаётган хажми (*50 фоиздан кам бұлмаган холда*);

Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бұлған ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчилікка биноан лицензиялаштириши зарур бұлса, танловда иштирок этиш учун белгиланған тартибга мувоғиқ тегишли лицензияга эга бұлған талабгорларға рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштирокчилар уз таклифларини электрон күринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар үтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БҮЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига күра узбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БҮЮРТМАЧИ» томонидан құйилған техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар күрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланған нархлар доирасыда, хизматларни бажариш муддатлари, тұловлар таркиби ва яқуний тұловлар ва бошқа боғлик күрсаткышлар күрсатилған булиши керак.

**4.4.** Куидаги хужжатлар тұлық булиши талаб этилади:

- факт битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тұлық жавобгар бұлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартыриш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчилікда белгиланған тартибда жавобгар бұладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчилікда белгиланған тартибда ғолиб иштирокчиларни аникташ ва асосланған қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилған барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилғандан сүнг қонунчилікда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан үрнатылған тартибда ва муддатларда шартнома түзишга мажбурдир.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор вабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йүл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш туғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига суроў юборишига ҳақли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.